

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (10.941)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР


МАМЛАКАТИМИЗДА

- Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Юичи Кусумото кеча Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан таълим соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.
- «Чорвоқ» оромгоҳида ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида Уни бойитиш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш доирасида «Хулқ-атвори ўзгартириш учун стратегик коммуникация» мавзусида семинар ўтказди. Семинар чоғида жаҳон таърибасида синовдан ўтган турли мулоқот технологияларини Ўзбекистон шароитида ҳам қўллаш яхши самара бериши мумкинлиги қайд этилди.
- Сурхондарё вилоятидаги нодавлат ташкилотлар сони яна биттага кўпайди. Фаолиятини бошлаган «Юксак парвоз» ёшлар маркази ўз ҳаракат дастурида ташкилот атрафида вилоят ёшларини бирлаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш ва муаммоларни ҳал этишни белгилаб олган.
- Кеча Самарқанд шаҳар 2-педагогика коллежида «Темирга бой унинг номи — саломатлик гарови» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.
- Тошкентда 16-18 ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Осиё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди.
- «Чирчиқ трансформатор заводи» очик акциядорлик жамиятида 63 минг киловатт қувватга эга трансформаторларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.
- Япония ҳукумати гранти асосида Хоразм вилоятидаги 9 та касб-хунар коллежлари қошида «Минтақавий малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари» ташкил этилди. Кунни кеча Урганч тиббий коллежида шундай марказлардан яна бирининг тақдими ўтказилди.
- Ўйчи туманидаги Жийдақапа қишлоғида қадимий ҳаммом биноси топилиди. Қазиларига жалб этилган республика Фанлар академиясининг Археология институти ходими раҳбарлигида қишлоқдан ўта ноёб ҳисобланган топилимининг Сомонийлар даврига мансублигини таъкидлашмоқда.
- Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳри ва Ургут туманида янги лицейлар барпо этилмоқда. Янги ўқув йилида Каттакўрғон шаҳрида қурилаётган Самарқанд Давлат чет тиллар институтига қарашли академик лицей 450 нафар, Самарқанд Давлат университетига қарашли Ургутдаги лицей эса 300 нафар ўқувчини ўз бағрига қабул қилади.
- Қашқадарё вилоят болалар шифохонасида «Фриденсдорф» халқаро хайрия ташкилоти томонидан болаларда учрайдиган турма ва касалликдан кейинги жисмоний нуқсонларни аниқлаш ҳамда уларни даволашга қаратилган тиббий кўрик ўтказилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



БЕКТЕМИР ТУМАНИ 1990 ЙИЛ 27 ФЕВРАЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. МАЗКУР ТУМАН ШАХРИМИЗДАГИ ЭНГ КИЧИК ТУМАНЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНИБ, УМУМИЙ ЕР МАЙДОНИ 2010 ГЕКТАРГА ТЕНГ. АҲОЛИ СОНИ — 30500 МИНГДАН ИБОРАТ. МАҲАЛЛАЛАР СОНИ — 12 ТА. ЎРТА УМУМ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ 5 ТА БЎЛИБ, УНДА 277 НАФАР ЎЗ КАСБИНИНГ ЧИНАКАМ УСТАСИ ҲИСОБЛАНГАН ҲИЖАТЧИ-МУРАББИЙЛАР 6501 НАФАР ҲИЖАТЧИЛАРГА ФАН СИРЛАРИДАН САБОҚ БЕРМОҚДА.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

«Соғлом танда-соғ ақл», дейдилар. Шу маънода тумандаги 3 та соғломлаштириш спорт мажмуаларининг мавжудлиги бектемирлик спортсевар ёшларга олам-олам шодлик ҳаёт этади.

Айтиш мумкинки, Истиқлолнинг 16 йиллик шодийнаси эҳр қувонч, меҳнатда янги зафарлар билан қарши олаётган бектемирликлар ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръати жиҳатидан ҳам етакчи ўринда туради. Жумладан, 2007 йилнинг 1-чорак яқунларида назар ташлайдиган бўлсак, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳужалигининг барча тармоқларини ривожлантириш борасида муайян амалий ишлар амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Хусусан, шу вақт мобайнида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 19 миллиард 251 миллион сўмлик, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард 366,6 миллион сўм қиймати тенг бўлди. Бу эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати — саноат ишлаб чиқаришда — 168,3 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда — 168,3 фоизни ташкил этишини кўрсатади. Тумандаги ялпи ички маҳсулот ҳажми кўрсаткичларининг

ўсишида «Кока-Кола» Ўзбекистон—ЛТД, «Нерудник», «Сувмаш» очик акциядорлик жамиятларининг улушлари салмоқли.

Туманда етакчи ҳисобланган 5 та асосий саноат корхоналари фаолиятларида саноат ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиш ҳолатлари кузатилмади. Айниқса, чакана товар айланмаси 58 миллиард 991,7 миллион сўм қийматига тенг бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 148,7 фоизни ташкил этди. Шулардан пуллик хизматлар кўрсатиш 1-чоракда 230,4 миллион сўм ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 136,9 миллион сўмдан иборат бўлди. Бюджет даромад қисмининг иштирокидаги кўрсаткичи 109,7 фоизга бажарилиб, бундан шаҳар бюджетига 693,6 миллион сўм ва туман маҳаллий бюджетига 693,6 миллион сўм қийматига тенг миқдордаги маблағлар туширилди.

Агар туман бўйича 2007 йил январь-март ойлари давомида ташқи савдо айланмаси 7 миллион 468,2 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу кўрсаткич 78,9 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин. Туман экспорт

кўрсаткичи 841,7 минг, импорт эса 6 миллион 626,5 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Умумий экспортда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар улуши 47,2, импортдаги улуши 79,3, кичик бизнес субъектларининг умумий экспортдаги улуши 92,3 фоизни ташкил этган бўлса, импортдаги кичик бизнес субъектларининг улуши 40,2 фоиздан иборат бўлди.

Хозирги кунда Бектемир туманида инвестиция давлат дастури доирасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Бектемир темир-бетон маҳсулотлари» қўшма корхонаси тасарруфидоги «POLISAN INDUSTRIAL PLUS» МЧЖ полипропилен қувурларини ишлаб чиқариш бўйича 2007 йил 1-чоракда 59,2 минг АҚШ доллар миқдоридоги хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб полипропилен қувурларини ишлаб чиқариш тўлиқ қувватда амалга оширилмоқда.

Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича дастурларнинг ижроси ҳар чорак ва йил давомида белгиланган чора-тадбирлар асосида назоратта олинган.

(Бектемир туманига бағишланган сажифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)

ЖАҲОНДА

- МАГАТЭ Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори Мухаммад ал-Барадейнинг маълум қилишича, Натанзедаги ер ости қурилмаларини текширувдан ўтказаятган экспертлар гуруҳи Эрон урани бойитиш учун мўлжалланган центрофугалар қурилишини сезиларли даражада секинлаштирди, деган хулосага келди.
- Исроил ўз ҳудудида ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини яратиш ишларини жадаллаштирмоқда. Маълумотларга кўра, АҚШ билан ҳамкорликда татбиқ этилаётган ҳаво ҳужумидан мудофаа тизими қўшни мамлакатлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ҳужумларни қайтаришга хизмат қилади.
- МАГАТЭ Шимолий Кореяга атом реакторларининг тўхтатилганини кўздан кечириш учун махсус делегация жўнатилади. Делегация мамлакатнинг ядро соҳасида эришган натижалар билан ҳам яқиндан танишади.
- Хитойда озон қатлами эмирувчи моддалар ҳисобланувчи фреон ва галлонларни ишлаб чиқариш ҳамда четдан келтиришга таъқиқлов эълон қилинди. Шундай йўл билан Хитой Монреал протоколида белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришни муддатидан 2,5 йил олдин бошлади.
- Интерпол раҳбари Ром Ноубл Буюк Британия ва бошқа бир қатор давлатлар ҳукуматларини терроризмга қарши курашишда сузташқиликка йўл қўяётганликда айблади. Улар мамлакатга келган одамларнинг паспортларини текширишда Интерпол ахборот базасига киритилган маълумотлардан фойдаланмаяпти.
- НАТО Эстонияда кибертеррорчиликка қарши кураш маркази ташкил этилишини маълум қилди. Мудофаа вазирлиги қошида иш олиб борадиган ушбу марказ ҳукумат идоралари сайтларига ҳақерлар томонидан қилинган ҳужумларни қайтариш мақсадида тузилмоқда.
- Хитойда рўй берган қучли жала, кўчки ва чакмоқ уриши оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 101 кишига етди ва 26 кишининг бедарак йўқолганлиги маълум бўлди, 75 мингга турар жой бинолари эса буткул вайрон бўлди.
- Дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлаш учун ташкил этилган Интернетда овоз бериш жараёнида юз миллионга яқин киши иштирок этди. Овоз бериш натижалари Португалиянинг Лиссабон шаҳрида ўтказилган тантанали маросимда эълон қилинди.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЮКСАК БАҲОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СЕУЛДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАБУСКОРЛИГИДА «ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ КОНСТИТУЦИЙАВИЙ ҚОНУН ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНING АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАКРИЗ ВА БАҲОЛАРИ ТЎПЛАМИ» ТАҚДИМОТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Шунингдек, тадбир чоғида Олий Мажлис Сенати томонидан маълумланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги ҳамда «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ги қонунлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди ва муҳокама қилинди.

Давра суҳбати йиғилишида Корея Республикасининг сиёсий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари ҳамда ОАВ вакиллари ҳозир бўдилар.

Унда сўзга чиққан Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-соннинг фикр билдиришича, 100 нафардан зиёд етакчи халқаро эксперт ва жамоатчилик

арбобларининг тақриз ва фикр-мулоҳазалари жамланган ушбу тўпламнинг нашр этилиши қабул қилинган қонунлар юзасидан хорижий мутахассис ва жамоатчилик доираларининг юксак ижобий баҳоларидан гувоҳлик берибгина қолмасдан, балки республикада кечаётган ўзгаришларга халқаро қизиқишининг катта эканлигини ҳам тасдиқлайди. Ли Ман-сон юқорида тилга олинган қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларни чуқурлаштиришга бўлган қатъий содиқлигининг яққол тасдиғи ҳамда ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг манتيқий давоми эканини таъкидлади. Сиёсий партиялар ролини мустаҳкамлаш уларнинг фаолиятини фаоллаштириш, сиёсий оқимиятнинг ҳаётга татбиқ этилишида партиялар иштироки даражаси ва масъулиятини ошириш ҳамда фаол ҳуқуқий маданиятнинг изчил шакл-

ланишига кўмаклашади.

Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутаты, Сувон шаҳрининг собиқ мэри Шим Дэ-ток таъкидлашча, у бир неча маротаба республикада бўлган ва «Мустақилликка эришганидан сўнг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бермоқда». Унинг айтишича, «Ўзбекистонда парламент ислохотларини ҳаётга татбиқ этиш давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётда олий қонунчилик органи аҳамияти ва таъсирининг қулайлиги рўй берди, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд бўғинларида барқарор муносибликка эришилди. Бу жамиятнинг янада демократлаштириш ва модернизациялашга қўшимча туртки беради». Шим Дэ-ток Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган қонунлар мақсадида тўхталиб, уларнинг қабул қилиниши умуман олганда ижро қонунчилигини» инсонпарварлашти-

ришда муҳим босқич бўлиб қолади. Унинг сўзларига қараганда, Корея Республикасининг ўзи ўлим жазосининг бекор қилиниши юзасидан умумхалқ муҳокамасига яқинда қадам қўйди, бироқ парламентда бу масала бир неча бор кўриб чиқилган бўлишига қарамай, у қонунан мустаҳкамланган йўқ.

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Чанг Хуннинг фикр билдиришича, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунларнинг кўриб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёнининг диққатга сазовор жиҳати уларнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилганида бўлди. Бу нафақат аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, балки сиёсий жиҳатдан масъул бўлган фуқаролик жамиятини шакллантириш ва тарбиялаш нуктаи назаридан ҳам жуда муҳимдир. Қабул қилинган қонунлар, шубҳасиз, бу жараёнга янги туртки берди. Уларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда бўлган сиёсий ўзгаришлар ҳам катта ақсасо бердики, билдирилган ижобий баҳолар, умуман олганда, республикада амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий тизим ислохотларининг тўғрилиги ва натиждорлигидан далолат беради. Чанг Хун, шунингдек, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида ўлим жазосини бекор қилиш масаласини умумхалқ муҳокамасига

олиб чиққан ягона мамлакат, уни қонунан қабул қилган давлатлардан бири эканлигини қайд этди. Бу Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишининг муҳим кафолати ҳисобланади.

«Ўзбекистон — Корея» дўстлик уюшмаси раиси Ким Юн-сик кўп йиллардан бери Ўзбекистонда кечаётган чуқур ўзгаришларга гувоҳ бўлаётганини таъкидлаган ҳолда, юртимизда давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш борасида ўтган йиллар давомида катта муваффақиятларга эришганини қайд этди. Унинг фикрича, янги қонунлар Ўзбекистон Президентини Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда олға ҳаракатланишига хизмат қилади.


Умуман олганда, тадбир иштирокчиларининг фикр билдиришларича, қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тизимининг янада такомиллашуви ҳамда фуқаролик жамиятининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатиб, юртимиздаги барқарорликни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг изчиллик билан ривожланишига хизмат қилувчи асосларни яратиб беради.

«Жаҳон» АА. Сеул

Сўлим гўшаларимиз

ХУЗУРБАХШ БОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМА ИССИК КУНЛАРИ КЎМ-КЎК, СОЯ-САЛҚИН БОҒЛАР БИЗНИ ҲАМИША ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ. ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИБ ҲОРДИК ЧИҚАРАДИГАН ХУШМАНЗАРА, СЎЛИМ ГЎШАЛАРИМИЗ ҲИСОБЛАНГАН МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЯНАДА КЎРКАМ ВА ОБОД БЎЛИБ, БЕТАКРОР ГЎЗАЛ ҚИЁФАГА КИРДИ. АЙНИ КУНЛАРДА БОҒЛАРИМИЗ КАТТАЮ КИЧИКНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИГА АЙЛАНГАН. ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ СЎЛИМ ВА ХУШМАНЗАРА БОҒЛАРИ ОРАСИДА АЙНИҚСА СЕВИМЛИ ШОИРИМИЗ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИ ЎЗИНИНГ СЕРФАЙЗЛИЛИГИ, КЎРКАМЛИГИ, ОЗОДА ВА САРИШТАЛИГИ БИЛАН АЛОҲИДА АЖРАЛИБ ТУРАДИ ВА БАРЧАНИ ЎЗИГА ЖАЛБ ЭТАДИ. БУГУНГИ КУНДА ЭРТА ТОНГДАН ТО КЕЧГАЧА МАЗКУР БОҒ НАҒАҚАТ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ, БАЛКИ ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИНИНГ ҲАМ МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШ МАСКАНИГА АЙЛАНГАН. ХЎШ, БОҒНИНГ МАНА ШУНДАЙ ФАЙЗЛИЛИГИ ВА ГАВЖУМЛИГИНИНГ СИРИ НИМАДА ЭКАН? ШУ ҲАҚДА БИЗ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒНИНГ РАҲБАРИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ БАҲОДИР СУЛТОНОВ БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИК.



ХУ ЖЕН ХУА: «МОВАРОУННАХР АППОМАЛАРИ ЖАҲОН СИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА КЎШГАН»

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинишига бағишлаб ўтказилажак «Ўзбекистоннинг Ислам цивилизацияси равақиға кўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларидан бири - хитойлик олим, Хитой марказий миллатлар университетининг профессори Ху Жен Хуа. У ўз маърузасини «Марказий Осиё ва Хитойда ислом цивилизацияси» деб номлаган.

— Баҳодин ака, сиз раҳбарлик қилаётган боғ хусусида гап бораркан, танikli шоирнинг «Ухшани йўқ бу гўзал бўстон, достонларда битган гулистон» деган мисралари беихтиёр ёдга келади. Бу боғни жаннатмакон гўшага қиёслагинг келади. Айтингчи, боғнинг мана шундай файзлиги, гавжумлиги сабаб нимада?

— Дарҳақиқат, академик шоиримиз Ғафур Ғулом номи билан аталувчи боғ йилдан йилга гавжумлашиб борапти. Бу масканнинг сўлим гўшага айлиниши боғ жамоасининг тинимсиз меҳнати самараси деб биламан. Боғимиз йил давомида фаолият кўрсатади. Кузги-кишки тозалаш ишлари февраль ойининг бошларида ниҳоясига етказилади. Боғ худудида мингдан ортиқ турли хил манзарали дарахтлар мавжуд бўлиб, улардан тўкилган барвуд борми, буташ ишларидан йилгилан шох-шаббалар, барча-барчасини олиб чиқиб кетиш каби ишларни ўз кўчимиз билан баҳарларимиз. Бундан ташқари кишида ҳам, ёзда ҳам боғ озодаллигига катта эътибор билан қараймиз. Бу гўшага келган дам олувчиларнинг баҳри-дили очилсин, масканимизда кўнгилдагидек хордиқ чиқариб, кайфияти кўтарилсин», дейимиз. Бу ердаги мавжуд ўйин қурилмалари, ўриндиқлар, боғ атрофидаги панжараларни бўяш, таъмирлаш ишлари ҳам Наврўз байрамигача бажарилиб бўлинади. Кўл тубларини тозалаш, киргоқлар, унинг атрофидаги йўлчаларни таъмирлаш ишлари ҳам ҳар йили киши мавсумида амалга оширилади. Турли мавзулардаги маданий-маърифий тадбирлар, байрам сайил-

лари ҳам йилнинг тўрт фаслида бирдек ўтказиб борилади. Шунингдек, боғимиз ташкил топанга 40 йил тўлди. Ушбу маданият ва дам олиш маскани 1967 йилда ўз фаолиятини бошлаган. Чилонзор туманидаги «Қозиробод» маҳалласи ёнида ташландик бўлиб ётган 22 гектарлик майдон хашар йўли билан ўзлаштирилиб, шу атрофдаги аҳолининг дам олиши учун оромоғох бунёд қилинган. Дастлаб тўрт гектардан иборат бўлган ягона сув ҳавзаси барпо қилинган бўлса, йиллар ўтиб бу ерда яна сатхи уч гектарлик марказида оролдан иборат кўл ташкил қилинган. Ундаги сувлар доимий равишда алмаштириб турилади. Дам олувчиларнинг сув сатхида сайр қилишларини ҳисобга олиб қайиқлар бекати ҳам ташкил этилган. Боғимизда дам олувчиларни яна бир ўзига тортадиган маскан, бу мўъжазига ташкил қилинган жонли бурчақдир. Бу ерда ҳозир 30 дан ортиқ турдаги қушлар ва ҳайвонлар парвариш қилинмоқда.

— Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижроси йўлида бугунги кунда кенг қўламдаги ишлар амалга ошириляпти. Боғда ҳам мазкур Қарор ижроси бўйича амалга ошириляётган ишлар, маданий ва маънавий-маърифий тадбирлар хусусида ҳам гапириб берсангиз.

— Боғимизнинг иқодий жамоаси томонидан амалга ошириляётган ишлар, ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар ва оммавий тадбирлар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар «Маънавият гулшани» туркум тадбирлари ёки «Эъзоз давраси», «Барҳаёт сиймолар» туркум мунтазам ўтказилаётган эл совган санъаткорлар, шоир ва ба-стакорлар билан қизғин урчушу-лар аллақачон ўз муҳлисларини топган. Тадбирларимиз нафақат боғ худудида, балки маҳаллалар, ўқув юртлири, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларда ўтказиб келинмоқда. Мактаб ўқувчиларининг ёзи таътил кунларида туман халқ таълими бўли-ми билан ҳамкорликда ишлаб чи-қилган махсус режа асосида мак-таб оромоғлари ва соғломлаш-тириш майдончаларида дам оли-ётган ўқувчилар, шунингдек, ту-манимиз маҳаллаларидаги кам та-минланган оила фарзандлари учун маданий-маърифий ва хайрия та-дбирларини ўтказиб келяпмиз. Шу-нингдек, боғимизда кўп йиллар-дан бери фаолият кўрсатиб кела-ётган «Маънавият ва маърифат» хонаси ҳам қўллаб-қувватлана-ди ва қўлланмалар, газета- жур-наллар билан жиҳозланган. Бу ерга кир-ган дам олувчилар нафақат мада-ният ва санъат янгиликларидан ха-бардор бўлади, балки турли қизи-қарли мавзуларда ташкил қилин-ган тадбирларнинг иштирокчисига айланади. Шу билан бирга боғ худудидаги «Ташририй ойна» са-хифалари ҳам Ватанимизда юз бе-раётган энг сўнги янгиликларни ўзида қамраб олувчи мавзулар би-лан бойитиб борилади.

— Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан боғда ва бошқа жойларда ўтказиладиган тадбирларда йил бошидан ортиқ режалаштириб чиқилган. Март-май ойлари давомида йигирмадан ортиқ турли мавзуларда хайрия тадбирларини ўтказдик. Биргина Болаларнинг ҳимоя қилиш кучи муносабати билан «Болалар фағталиги» дои-расида ўтказилган тадбирларда боғ аттракционларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқини берувчи 3000 га яқин тақлифномалар тар-қатилди. Шунингдек, шаҳримиз-даги қўллаб-қувватланадиган кам таъминланган оилалар фарзанд-лари, ўрта мактаблар, ноғирон-лар жамиятлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун шундай тақлифномалар тарқати-лади. Бундан ташқари боғ жамо-аси тумандаги маҳаллалар, мак-таб ва мактабгача таълим муасс-саларига ҳомилий кўрсатиб ке-лади. Боғда фаолият кўрсатиб келаётган турли бадий жамоа-ларимиз ҳам жойларда ўтказила-ётган тадбирларда ўз санъатла-рини намойиш этиб, халқимиз қал-бига хуш кайфият улаштириш-моқда. Ҳозирги кунда боғимизда йи-гирмадан ортиқ аттракционлар дам олувчиларга кўнгилли хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси ёз мавсуми бошланишидан олдин техник кўрик ва синовлардан ўтказилган. Таъмирлаш ва бўяш ишлари амалга оширилган. Айтиш жоизки, кейинги йилларда ўта за-монавий ва хорижда ишлаб чиқа-рилган аттракционлари олиб ке-либ ўрнатиш ишларини йўлга қўймоқдамиз. Айни кунларда ана шундай ўйин қурилмаларидан бир нечтаси ишлаб турибди. Келгуси-

да яна қизиқарлироқ ўйин қурил-маларини келтириш бўйича хори-жий ҳамкорларимиз билан шарт-номалар тuzганмиз.

— Мана ҳадемай энг азиз ва энг улуг байрамимиз —Му-стақиллигимизнинг 16 йилли-гини қизғин нишонлаймиз. Боғда байрамга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мустиқиллигимизнинг 16 йиллик байрами муносабати би-лан ҳар йилдагидек боғимизда катта байрам сайиллари бўлиб ўтади. Ҳозир боғимизда ушбу сайилни ўтказиш режаси ишлаб чиқилмоқда. Байрам кунлари ик-кита саҳнада ранг-баранг томоша-лар намойиш этилади. Албатта, уларнинг асосини халқимизнинг мустиқиллик даврида эришилган ю-туқларини кўз-кўз қилувчи те-атрлаштирилган томошалар билан бир қаторда элимизнинг севимли санъаткорлари ижросидаги кон-церт дастурлари ташкил этади. Мустиқиллик байрами доирасида боғда турли хил фестиваллар, кўрик-танловлар, қизиқарли спорт мусобақалари, шунингдек, меҳр-мурувват ва хайрия кечаларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Мақсадимиз халқимиз боғимизда кўнгилли ва мароқли дам олсин, кайфияти чоғ бўлиб қайтсин. Зеро «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деган нақл беҳиз айтилган.

—Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди СУРАТЛАРДА: Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истиро-хат боғидан лавҳалар Равшан Шокиров олган су-ратлар.



Болалар адабиёти бурчаги

Болалар, гул табиятнинг латиф, ноёб нъммати. Дунёда гулни таърифлаб шеър ёзмаган шоир қолмаган. Гул гўзал, муаттар бўлиши билан бирга табобатда бир қанча касалликларга даводир. Гулга қараган кишининг баҳри-дили очилиб кетади, қувончига қувонч қўшилади. Гул — дўстлик, садоқат, меҳр-муҳаббат рамзидир. Севишганлар бир-бирларига гул ҳадя қиладилар. Биз энг яқин кишиларимизга даста-даста гуллар тутамиз. Шаҳримиздаги мактабларимиздаги гулзорларни меҳр билан парвариш қиламиз.

Қадим замонларда, тўйларда келинларнинг бошидан тилла тангалар, популар эмас, «ҳаёти гулдай гўзал бўлсин» деб гуллар сочишган экан. Ғазал мулкнинг султони Навойнинг «Гул сочар эл боғаро сарви равоним келдиму...» деб бошланган ғазали

бунга яққол мисол бўлади. Болалар, гул ҳақида афсоналар ҳам бор. Улар бир-бирдан яхши ва жозибадидир. Сизларга тақдим этилган «Гул ва булбул» афсонасидаги Моҳирийнинг жасорати таҳсин ва тасаннога лойиқдир. Болалар! Мен атайлаб чавгон, анжуман, иштиёқ, фироқ, ялдо, фиғон, таҳсин, тасанно каби ҳозирги тилимизда кам учрайдиган сўзларни ишлатдим. Бу сўзлар Навой, Бобур, Нодира, Оғахий, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари сўз заргарларининг асарларида кўп учрайди. Сизлар ҳам бу сўзларнинг маъноларини билиб олиб, баён, иншоларингизда улардан фойдаланганиз нутқингиз раван, тилингиз бийрон бўлади ва бундан болаларимизнинг руҳлари бениҳоя шод бўлади, кадрларимизни кадрлаган, эъзозлаган бўласиз.

Муаллиф

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД

“ЭКОСАН” ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИДА “ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИ ДОИРАСИДА “ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ-ИЖТИМОЙ ГИГИЕНА ВА ЭКОЛОГИК ЎЛЧАМЛАРИДА” МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда вазирлик ва идоралар, тиббиёт муассасалари, илмий тадқиқот институтлари, ўқув юртлири, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

“Экосан” халқаро ташкилоти ва Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастури-нинг “Жисмоний соғлом ва маънавий бой авлод-ни шакллантириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида гам-хўрликни кучайтириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида-ги ишларни такомил-лаштириш, “Соғлом она — соғлом фарзанд” ҳаракатини ҳар томонла-ма рағбатлантириш” тадбирлари ижросини таъминлашга қаратил-ган.

Тадбирда аёллар ва болаларнинг саломатли-гига доир масалалар ҳамда аёлларнинг иш-лаш шaroитларини ўрга-ниш ва тахлил қилиш, шунингдек она ва бола саломатлигига таъсир қи-лаётган салбий омил-ларни аниқлаш ва улар-ни бартараф этиш йўллари муҳокама этил-ди.

Аҳолининг саломатли-гини мустаҳкамлаш, фу-қароларни ижтимоий му-ҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни шак-ллантириш давлат сиё-сатининг устувор йўна-лишларидан бири ҳисобланади. Бу бора-да муайян ишлар амал-га оширилиб, мустиқил-лик йилларида аёллар-ни соғломлаштириш, да-волаш ва профилактика марказларини ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқилди. Жумладан, со-ғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури-га мувофиқ атроф-му-ҳитнинг ифлосланиши ва бошқа салбий омил-ларни инсон саломатли-гига таъсирини камай-тириш, соғлом турмуш-ни тарғиб қилиш, омма-вий спорт ва жисмоний тарбияни ривожланти-риш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

ГУЛ ВА БУЛБУЛ

Афсона

Гўзал эди Моҳирий,
Новча эмас, ўрта буй.
Қошан десалар ҳилол,
Унга келарди малол.

Бу қайрама, қаламқош,
Гўё чизгандай наққош.
Мавзун эди камандай,
Ухшаш йўқ чамандай.
Силанганда сунбуллар,
Хижолат бўлиб гуллар,
Қил-қизариб кетарди,
Унга ҳавас этарди.

Моҳи камол ёшида,
Лола барақ бошида.
Отда қуйдай учарди,
Гўё кўкни қуярди.
Чавгон ўйнади янаб,
Кокилин беага ташлаб...
Дойим чиқарди голиб,
Ушндан соврин олиб...
Овози оҳанграбо,
Ашуласи дилрабо.
Қўшиқ айтса Моҳирий,
Бошлариди гўё тўй.
Янаб кетарди одам,
Яйраб кетарди одам.
Барча ташлаб ишини,
Булбул ҳам хоншини.
Келиб тинлар эди жим,
Ундан завқ олмаган ким?

Рақс айласа чаманда,
Товус ҳайрон қоларкан,
Қиздан ибрат оларкан.
Уша эл бўйдоқлари,
Озгину дўмбоқлари,
Моҳирий фироқида,
Юзин иштиқиди.
Ишқида оҳ ураркан,
Кўйиб-ғиёб юраркан.

II

Лекин бир ялдо тунда,
Мудҳиш бир қора кунда.
Тинч қишлоқни ёз босди,
Элини қуади, осди.
Қизни асир этдилар,
Қароргоҳга етдилар.
Қароқчи хумдорни,
Ёвузларининг сардорни.
Шунда базм қурарди,
Тинмай шароб урарди.
Қизни қўриб у қаттол,
Бўлиб кўлеан эмиш дол.
Сохта бир оҳ урибди,
Қиз ҳолини сурабди.

—Яхшимисан раққоса?
Иттизор этдинг роса.
Қани бир шўх рақс айла,
Зулфини бўйинга боғла,
Қақлик янгидай сайрагил,
Қўнғилими бир овагил.
Бир кеча ол меҳмоним,
Сўраганинг ол жоним...
Моҳирий:

— Номусимни, оримни,
Қўнғилиди бормини,
Мен тиллага сотмайман,

Қабоҳатга ботмайман.
Қароқчи:
—Ужар бўлма Моҳирий,
Балабоғаровоз элпини қуй.
Айтганини қилмасанг,
Яхшимисан билмасанг.
Ҳозир тўқаман қонинг,
Менинг қўлимда жонинг.

Моҳирий:
— Майли, қаттол, жоним о!
Бошим олиб, ўта сол!
Сендан кутмайман шайқат,
Тезроқ ўлдиргил фақат.
Қўрмай ёвуз юзениди,
Қонга тўлган қўзингни...

III

Қизни қатл этди жаллод,
Моҳирий ўди ҳайҳот!
Туқиди қирмиш қони,
Оҳ! Увол кетди жони.
Унинг қўллуғ қонидан,
Қони эмас жонидан,
Усиб чиқди қизил гул,
Учиб келиб бир булбул,
Чека бошдаб фиғон,
Юрак бағри бўлиб қон.

IV

Ҳамон у қўйчи булбул,
Узин унутиб буткул...
Сайрагани гул бошида,
Қўздан оққан ёшидан,
Гул юзларин ювармини,
Ғамгин боқиб турармини...
Туроб АКБАРХУҲАЕВ

ОЛИМПИАДА ГЕРМАНИЯДА

РЕСПУБЛИКА ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДА ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАББИЙ ВАДИМ АБРАМОВ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Маълумки футбол бўйича олимпия терма жамоамиз жорий йилнинг август ойидан ноябрь ойига қадар “Пекин — 2008” олимпия йўналирига йўлнамани берувчи сўнги саралаш баҳсида иштирок этади. Шу боис бош мураббий Вадим Абрамов шогирдлари билан саралаш босқичида муносиб иштирок этиш учун 12-26 июль кунлари Германияда тайёргарлик жараёнларини ўтказди. Сафар олдидан бўлиб ўтган матбуот анжуманида мураббий журналистлар билан учрашиб Германияда ўтказиладиган тайёргарлик жараёнлари ҳақида маълумот берди.

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Германияда бешта ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Ҳар тўрт кун давом этадиган машғулотлар доирасида жамоа Германия миллий чемпионатидаги бошланғич клублар билан ўзаро беллашади. Бош жамоамиз Осиё чемпио-натида иштирок этаётганлиги сабабли олимпиячила-римизнинг етакчи футболчиларидан Азиз Ибрагимов, Ансур Исмоилов, Виталий Денисов, Марат Бикмаев ҳамда Азиз Ҳайдаровлар ўртоқлик учрашуларида иш-тирок эта олишмади.

Тайёргарлик жараёнларида бешта етакчи футбол-чиларни иштирок эта олмаслигига қарамай биз машғулотларни ва ўртоқлик учрашувларини муваффа-қияли ўтказишга ҳаракат қиламиз, — дейди Вадим Абрамов. — Ўртоқлик учрашувларида захирадаги фут-болчиларни ҳам синаб кўрамиз, бу эса истеъдодли ёш футболчилар ўз маҳоратларини юксак даражада кўрсата олишлариغا имкон беради.

Эслатиб ўтагимиз Германияда Вадим Абрамов гуруҳ-даги олимпиячиларимизга рақиб бўлган Жунобий Ко-рея, Сурия ва Баҳрайн терма жамоаларининг тасви-р ва туширилган видеокассетларини кўриб, рақибла-римизни жисмоний ва тактик жиҳатларини ўрганиб чи-қади. Ҳар биринчи июль кунли олимпия терма жамоа-миз йигирма тўрт нафар футболчи билан Германияга жўнаб кетди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
“Туркистон-пресс”

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИҚМАТЛАР

Баъзи инсонларда аҳвол инчунин. Суврати — одам, ичи деви лаин.

Хийла айлаб, етмадинг сарватга сен, Хийлани тарк айла, ет давлатга сен.

Эй, разил ўйларга борманг беҳуда, Ҳазрати соҳиб кўнгиллар олдида.

Сидки дилдан туйгулар бедор бўлур, Завку шавқ сўнгра уларга ёр бўлур.

Ҳар куфрнинг чеки бор, поёни бор.

Қайда ҳозир эрса куфр, иймон йўк.

Гул тиканлар олдида бўлмайму хор?

Яхшиларни сен ёмон деб айблама, Бу тубанликдир, магар юксак дема.

Кўрқадир сувдин оловлар эрта-кеч, Сув магар кўрқарму ўт-отақдин ҳеч?

Оби раҳматни ҳасаддин бойлама.

Зидди бирлан ҳар неким пайдо эмиш, Ул қаро оқ устида расво эмиш.

Гар ёмонликни у пеша айлағай, Ақлининг кўзига тупроқ жойлағай.

Этмаса тавба, гуноҳ ширин бўлур, Ул гуноҳи кўнглида бедин бўлур.

Завқ ила тоат этилса, ул — самар, Мағз ила дона эҳилса, бог унар.

Мағзи йўқ эрса, данак бўлмас ниҳол, Суврати бежон магарким бир хаёл.

Гар зарурат эрса, ул мурдор — пок.

Билмайн денгизга сурма кемани.

Кўрқма, гар тоғда илону захри мор, Захри бор эрса магар, тарёки бор.

Баски сарварлик думоғинг тутдиким, Кимки сўз қайтарса, билгайсен ганим.

Гар ёмон феъл айласа эрди сукут, Бир хилоф сўздин магар чиқмасди ўт.

Гар мухлиф-ла мадоро айладинг, Ўзни дилдорун дилоро айладинг.

Сен валийдин сўр кўнгилнинг ҳолини.

Миски зар эрмас, ўзини мис демас, Дилки шоҳ эрмас, ўзин муфлис демас.

Муттаҳам ақли шарифмас, нафс эрур, Муттаҳам нури латифмас, хис эрур.

Ошса хилт меъеридин бир хисса, бас, Ўзгарур ҳол, танда юз бергай мараз.

Этма кўп дўстинга майлу марҳамат. Айрилиқ тушгай арога оқибат.

Сен ўзинга ташналар ёнига бор, Дил сўзинга ташналар ёнига бор.

Кулфни ур нафсинга, пинҳон эт қалит.

Сен юмиб кўзни, кўрарсен дўстни, Кўз этар бўлсанг баданини, пўстни.

Гул ва булбулдин неча афсона бор, Гарчи эрмас ўртада сўз ошкор.

Сен баланд уч, бўлма тубанларда хор.

Кимки ном излар, қадр топмас сира.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раёсати ва жамоаси «Узулгургисавдоинвест» уюшмаси раиси Зафар Омонович Файзиёвга фарзанди АКБАРЖОННИНГ бевакт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Футбол

ДАСТАВБИ ХУЛОСАЛАР

НИҲОЯТ, БАҲОРДА БОШЛАНГАН ОЛИЙ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАМЛАКАТ XVI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ БИРИНЧИ ДАВРА МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 16 та жамоа иштирок этаётган жорий йилги чемпионат баҳслари қизиқарли, кескин ва муросасиз баҳсларга бой кечмоқда. Очигини тан олганда, кейинги йилларда мутахассислару мухлислар «Пахтакор» жамоасининг яққа пешқадам сифатида чемпионликини кетма-кет қўлга киритаётганлигига ҳам кўникиб қолишганди. Аммо, ҳозирдан айтиш мумкинки, бу йилги мавсумда «Пахтакор»га «Нефтчи» ва «Курувчи» жиддий рақиб сифатида анча «ташвиш» келтириши мумкин. Нега деганда, камиди ўн та турда турнир жадвалида «Нефтчи» карвонбошилиқ қилди. Олий лиганинг янги вакили «Курувчи» жамоаси томонидан қўлга киритилаётган галабалар мухлисларни ҳушнуд этаётганлиги ҳам рост гап. Фақат жорий йилда пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» ва «Локомотив» жамоалари анча бўш ўйин намойиш этишаётгани ҳамда мухлисларини бироз ранжитишаётгани ачинарли.

Чемпионат баҳсларида биринчи даврани 13 та галаба, 2 та дурранг билан яқунлаган «Пахтакор» биринчи ўрин билан, 12 та галаба, 2 та дурранг, 1 та мағлубият билан яқунлаган «Нефтчи» иккинчи ўрин билан яқунлаган бўлса, 11 та галаба, 3 та дурранг ва бор-йўғи биттагина мағлубият аламини тоғиб кўрган «Курувчи»га ҳозирча учинчи ўрин насиб этиб турибди. Дарвоқе, кучли олтиликдан «Машъал», «Қизилқум—Олтин» ҳамда «Самарқанд—Динамо» жамоалари ўрин эгаллашган. Айтиш кераки, етакчи жамоалар қаторида тилга олинадиган «Насаф», «Навбахор» клубларининг ўз имкониятлари даражасида ўйнай олишмаётгани кишини ҳайрон қолдиради. Жорий йилги чемпионатни анча муваффақиятли бошлаб ҳатто совринли ўринлардан бирини даъвогарлик қила бошлаган «Андижон—Ўз» жамоаси футболчилари жисмоний ва руҳий тайёргарлики маромига етказишга олмаган эканми, ҳар ҳолда сўнги турларда муҳим оқшорлардан маҳрум бўлишида ва пировард натижада биринчи даврани еттинчи ўрин билан яқунлашди. Турнир жадвалининг қуйи поғоналарини эгаллаб турган «Тупаланг», «Локомотив», «Металлург» жамоалари иккинчи даврада ўз ўйин услулари яна ижобий томонга ўзгартира олмасалар олий лига билан хайрлашишлари ҳеч гап эмас. Тўғрарлар рўйхатини ўтказилган 15 та турдан кейин 15 та гол билан «Нефтчи» аъзоси

Ўн бешинчи турдан кейинги вазият

Table with 7 columns: Жамоалар, Ҳ, Ю, Д, М, Т-Н, О. Rows include Пахтакор, Нефтчи, Курувчи, Машъал, Қизилқум-Олтин, Самарқанд-Д, Андижон-Ўз-ДЭУ, Насаф, Навбахор, Трактор, Шўртан, Бухоро, Вобкент, Тупаланг, Локомотив, Metallurg.

Ақмал Холматов бошқариб келмоқда. Холматовдан 5 та кам гол киритган «Насаф» ҳужумчиси Зафар Холмуродов иккинчи ўринни эгаллаб турибди. «Пахтакор» ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров ҳисобиди аса 9 та тўп бор.



Биз кўпнинг сонли мухлислар жамоаларимиздан чиройли, сермазмун ўйинлар кутиб қоламиз. Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган барча жамоалар ажойиб галабалари билан мухлислари кўнглини шод этишади, деб умид қиламиз. Шунингдек, иккинчи давра мусобақалари бешинчи августдан бошланишини мухлисизга эслатиб қўйган ҳолда «тибронизга» турнир жадвалини ҳавола этамиз. Ақбар ЙҮЛДОЕВ

Шифобахш неъматлар

РОҲАТИЖОН МУЗҚАЙМОҚ

САРАТОН ЖАЗИРАМАСИДА САЛҚИНДА ОРОМ ТОПИБ, МУЗҚАЙМОҚ ИСТЕЪМОЛ ЭТИЛАДИГАН БЎЛСА, ОДАМНИНГ ҚАНЧАЛИК БАҲРА ТОПИШИНИ КЎЯВЕРАСИЗ. ХОҲ КАТТА КИШИМИ ЁКИ БОЛАМИ МУЗҚАЙМОҚНИ ХУЗУР ҚИЛИБ, СЕВИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛАДИЛАР.

Музқаймоқ ҳозирда кенг тарқалган татимли, оромчи маҳсулотдир. Музқаймоқ кўнча замонларда Шарқ халқлари томонидан кашф этилган. Уни Ўрта Осиё халқлари «яққаймоқ» деб юритишган. Фотиҳи замон Исқандар Зулқарнайн ўзининг голибона юришларида Эрон ва Ҳиндистонни забт этганида мазкур мамлакатларнинг туб аҳолиси иссиқ кунларда қандайдир «яқлатилган сутни» сўриб юрганликларини кўриб, ажабланидилар. Бу ясама неъмат ўрганилганида, шундан оғоҳ топганлар. Маълум бўлишича, сут ёки қаймоққа асал, туҳум, ванил ва лимон ачили қўшилиб музлатилар ва махсус кўзаларда сақланар эди. Баъзида мева шербатларига ҳали эриммаган тоғ қорлари ва қирилган музни қўшиб ҳам музқаймоқ кўринишидаги маҳсулотлар тайёрланган. Араблар шу усулдаги тайёрланган яхна таомни «ал-желати» деб атаганлар.

Музқаймоқ таомномасини ва тайёрлини усулини македонияликлар Европага олиб келган бўлсалар ҳам, у ўз вақтида кенг эълан қозонмаган. Фақат XII асрда италиялик сайёҳ Марко Поло Шарқ мамлакатларига қилган саёҳатидан кейингина музқаймоқни Европа мамлакатларида тарқатишга шурари бўлган.

аймоқни Европа мамлакатларида тайёрлаш авж олиб кетди.

Маълумотларга қараганда, Италия фуқароси бўлган лаззатгир Проколио Кольтелли 1630 йилда Парижга келиб ресторанлардан бирида музқаймоқ тайёрлашни йўлга қўйган экан. Шундан қарийб бир ярим аср ўтган, яъни 1770 йилда яна бир италиялик қандолатчи Нью-Йоркда музқаймоқ тайёрлашни жорий қилган. Музқаймоқнинг лаззатига тушуниб қолган Англиянинг Лондон шаҳрида 1860 йилда каттагина музқаймоқхона очилиб, аҳолига оромбахш неъмат улаша бошлаган. Бу борада Россия музқаймоқларининг «хуштори» бўлиб қолган Иван Излеров номли савдогар 1845 йили музқаймоқнинг янги бир «қиём» навини яратиб ва унинг ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйиб патент олишга муваффақ бўлган.

Ҳозирда музқаймоқ ихлосмандлари бутун жаҳон бўйлаб қулоч отиб кетган. Ўзбекистон лаззатгирлари музқаймоқ тайёрлашнинг устаси «фариш» сифатида танилганлар. Анъанавий тус олган «Роҳатижон» номи билан аталадиган музқаймоқнинг содда хили сақланиб қолинган, холос.

Таниқли олим, ўзбек пазандачилигида катта из қолдирган Карим Маҳмудов «Роҳатижон» тайёрлаш жуда соддалигини эслатиб ўтади. «Роҳатижон» тайёрлаш учун истеъмолга яроқли музни кириб қиров ҳолга келтирилади ва юзига узум ёки тут шинисини ёки қиём севалаб берилди. Бу оддий «Роҳатижон»нинг афзалли-

ги шундаки, агар уни ёзда ичбуруғ бўлган киши истеъмол этадиган бўлса, фақат одам танасига ором бағишлабгина қолмай, балки оғриқни таққа тўхтатади. Мабодо «Роҳатижон» анор шарбати билан етилтирилган бўлса, талоқ касалликлари, юракнинг бежо уришида ижобий таъсир кўрсатади, қичмага даво бўлади, юзни тиниклаштиради.

Оқориди қайд қилишимиз бўйича, музқаймоқни гўдақлардан тортиб қарияларга бачча севиб истеъмол этишининг сабаби, унинг шифобахшлиги, тиним бериши ва тўқутарлигидир. Чунки бир кило сутли музқаймоқда — 1370, қаймоқ асослигида — 1890, гломборда аса — 2400 гача қувватбахш калория мавжуд. Музқаймоқни оғир жарроҳлик амалидан чиққан беморларга, яъни дағал овқат ейиш мумкин бўлмаган беморларга берилди, ошқозонда яраси борлар, сил дардидаги мубталолар ҳам мавжуд. Музқаймоқ турига қараб таркибиди инсон ҳаёти учун фойдали моддалар ҳам бўлади. Жумладан, уларнинг таркибиде фосфор, кальций каби маъданлар ҳам мавжуд.

Эслатма сифатида шуни айтиш кераки, музқаймоқларни харид этилганида махсулотнинг шаклида нуқсон бўлмаслигига (тешилган, ёриқли, бужмайган), шунингдек, рангида ўзгариш бўлмаганлигига эътибор берилмоғи даркор. Музқаймоқ эриган бўлса, уни қайта музлатишга ҳаракат қилмаслик лозим. Музқаймоқнинг сархил бўлиши учун унинг сақланиш муддатига назар ташлаш керак бўлади.

Дано ХҲЖАЕВА, олий тоифали дорисунос

XXI АСР ВАБОСИ ДЕБ АТАЛАЙТГАН СПИД БУГУН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

СОҒЛОМ БЎЛИШ ҲАМ КЎНЛИМИЗДА

Бутун дунёни ваҳимага солаётган бу дарди-бевао касалликка қарши курашишда бугун бутунжаҳон амжиҳатликда иш юритаётди. Ўзбекистонда ҳам СПДга қарши курашиш, унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан мазкур муаммони бетаъриф этиш, унга қарши курашиш борасида турли адиб ва халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Тошкентда республиканинг турли вилоятларидан келган ҳамширалар ва шифокорлар иштирокида ўтказилган семинар-тренинг ҳам айнан шу масалага бағишланди. Унда Украина, Санкт-Петербург, Женева СПИД марказларининг ҳамширалари ҳам иштирок этишди.

Ушбу тадбирнинг айнан ҳамширалар орасида қазиллиши катта аҳамиятга эга, — дейди Республика СИД маркази тиббий бўлими ҳамшираси Н.Валиева. — Унқи бемор билан доимо ёнма-ён турадиган, вақтида юзлажа қиладиган, тушунтириш ишларини олиб бординган ҳам айнан шу касб эгалари ҳисобланади.

Н. Валиеванинг таъкидлашича, ҳамширалар мулажаларни ўз вақтида эҳтиёткорлик ва эътибор билан, ҳушмуомалалик билан амалга оширишлари керак Беморларга яшашга умид, ишонч туйғуларини ўйғотадиган ҳам ҳамширалардир.

Тадбирда касаллик — қон қуйиш, жинсий алоқа, она сутидан юқиши мумкинлиги эътироф этилди. СПИД маркази қошида тузилган ишонч хоналари мазкур касалликнинг олдини олиш, унга қарши курашишда ҳақиқатан ҳам бераётганлиги, СПИДга қарши самарали краш олиб боришини ягона йўли бу — соғлом турмуш тарзи эканлиги таъкидланди.

Албатта, қўнча Шарқда азал-азалдан тан ва руҳ ҳақиқатлиги алоҳида эътибор қаратилган. Бу ўз вақтида турли касалликлардан сақланиш ва нопок йўларга кириб қолишдан асраган. Шундай экан, соғлигимиз ўз қўлимизда. Аср вабосига қарши тура олиш ҳам ҳар бир кишининг ўзига, фақат ўзига боғлиқ.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Мунажжим башорати

ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТИНГ

12 июль, пайшанба

Кўёнинг бугунги самовий ҳолати кўнгидагидек натижага эришиш учун бугун юзга келган вазият тақозоси билан иш қўришга даъват этади. Бугунги кун одамларда кўполлик ва номуносиб хатти-ҳаракатларга мойилликни кучайтириш билан астрологик мураккаб кунлардан бири ҳисобланади.

Ойнинг бугунги ҳолати эса, денгиз саёҳатлари ва сув билан боғлиқ муолажалар хайрли бўлишидан далолат беради. Бугун қутилмаган кашфиётлар қуни, хилма-хил қутилмаган тақдир ҳазиллари қуни ҳамда иложсиз деб ҳисобланган вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кетиш қуни ҳисобланади. Майда тангалар ёки тугмаларнинг сочилиб кетиши бугун йўқотишлар ва мағлубиятлардан оғохлантирувчи ноҳушлик аломатларидир.

БУГУН:

- янги муҳим ишларни бошлаш;
— иш ёки ўқиш жойини алмаштириш;
— янги мутахассислик ёки янги техникани эгаллаш;
— бирор нарсани сотиб олиш, сотиш, алмаштириш;
— келажакка ишонч билан қараш, беҳуда хавотирга тушмаслик;
— янги дўстлар орттириб, янги эрмақлар топиш тавсия этилади.
Танбаллик қилиш, янгиликдан кўрқиб, қоида ва йўриқномаларни бузишдан ўзингизни тийинг.
Қора, қизил ёки ёрқин сариқ—яшил тусли кийимлар омаднингиз келишига ёрдам беради.

Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги 1-сонли умумтаълим мактаби томонидан 1994 йил 20 июнда Худойбердиева Барно Ҳикматовна номига берилган №AN443713 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'1» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИКҚАТИГА! Ҳурматли абонентлар!

Тошкент шаҳри телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш режасга мувофиқ «3» индексли рақамларни «2» индекслига алмаштириш бўйича ишлар амага оширилмоқда. Қуйида ўзгарадиган телефон рақамлари ва уларни алмаштириш муддатларини келтириб ўтамыз:

- 1) 2007 йил 17 июлдан 18 июлга ўтар кечаси қуйидаги рақамли индексларни алмаштириш ишлари амалга оширилади:
3938100-3939299 рақамлари 2278100-2279299 га;
3939300-3939507 рақамлари 2279300-2279507 га;
3930000-3930999 рақамлари 2270000-2270999 га;
3934400-3934631 рақамлари 2274400-2274631 га;
3931000-3932299 рақамлари 2271000-2272299 га;
3935000-3935927 рақамлари 2275000-2275927 га;
3932300-3934399 рақамлари 2272300-2274399 га;
3936000-3938099 рақамлари 2276000-2278099 га алмаштирилади.
2) 2007 йил 23 июлдан 24 июлга ўтар кечаси 3900000-3909999 рақамли АТС индекслари 2900000-2909999 га ўзгартирилади.
3) 2007 йил 2 августдан 3 августга ўтар кечаси қуйидаги рақамли индексларни алмаштириш ишлари амалга оширилади:
3692000-3693999 рақамлари 2892000-2893999 га;
3694000-3696847 рақамлари 2894000-2896847 га;
3690000-3691919 рақамлари 2606000-2607999 га ўзгартирилади.
Маълумотларни TshTT www.tshTT.Uz сайтидан оласиз.
Тошкент шаҳри бўйича маълумот хизмати 09.009.
Шаҳрлараро маълумот хизматини териш - 3711355018, 1351052, 1352064. Халқро маълумот хизматини териш - 1099871, 1355018, 1351052, 1352064.

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОҚИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2875 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонга мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4йй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 12:10